

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 142 (1468), 2025 йил 12 июль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА МУСТАҲКАМ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакат ташаббускор, интизомли, шижоатли ва ислохотларга дахлдорлик туйғуси билан меҳнат қиладиган, масъулиятни теран ҳис қила оладиган кадрлар билан тараққиётга эришади. Самарали бошқарув тизимини яратиш жараёнида ҳар бир ходим ўз зиммасидаги вазифаларни виждонан ва масъулият билан бажариши муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолиятида ижро интизоми масаласига натижадорликка эришишнинг муҳим омили сифатида қаралади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган маъмурий ислохотлар доирасида бошқаруvingннг эскича услубларидан воз кечилиб, иш юриштининг замонавий тизими жорий этилди, жумладан, раҳбар ходимларнинг ижро интизоми бўйича шахсий жавобгарлиги оширилди.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони барча даражадаги маҳаллий ҳокимликларда ижро

интизомининг янада мустаҳкамлаш имконини берди. “Edo.ligo.uz” ижро интизоми идораларига ягона электрон тизимнинг жорий этилиши бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу электрон тизим қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг “занжир механизми” асосида, таъбир жоиз бўлса, “соатбай” тартибга солади. Натижада кунун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиш орқали амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар бир туман, кишлоқ ва маҳаллагача етиб боришига эришилмоқда.

► Давоми 2-бетда



Биз танлаган йўл

ЗАНЖИРНИНГ УЧ ҲАЛҚАСИ

Барчамиз учун энг улғу ва азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя остида нишонланиши Президентимиз томонидан куни кеча қабул қилинган қарорда алоҳида белгилаб берилди.

Инсон қадрини ҳар нарсадан устун қўйиладиган, ҳар бир фуқаросини рози қилишга интилаётган юртимиздаги ислохотлар мазмуни, моҳияти, мақсади ана шундай улғувор ғояга хизмат қиладигани ва улар самарасини бугун ҳар жабҳада сезиб, кўриб турибмиз.

Ҳа, энди илгари имконсиздек, иложини йўқдек туюлган ишлар қисқа фурсатда удаланипти. Ўзгаришлар кўз ўнгимизда рўй берапти. Бу, айниқса, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кейинги саккиз йил ичида қилинган ишларда янада яққолроқ кўзга ташланади. Чунки ҳаётимиз ва халқимиз тафаккурида бутунлай ўзгариш ясаган мазкур йиллар янги Ўзбекистонни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан том маънода

улғайтирди. Ҳаётимиз ва халқимиз тафаккурида бутунлай ўзгариш ясади ушбу давр. Яъни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий манзараси ўзгарди шу давр ичида. Қатъий сиёсий ирода, ғайрат-шижоат, ташаббус ва ишонч билан ана шундай натижаларга эришялми.

Бугун ёшларимизга, фарзандларимизга, набираларимизга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Негаки ҳозир улар ҳар қачонгидан зўр тарбия ва таълим масканларига қатнашапти. Замоннинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган биноларда ўқияпти. Тарбия топапти. Илм оляпти. Касб ўрганапти.

► Давоми 3-бетда

Инсон қадри учун



БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШДА ЭНГ МУҲИМ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ

Юртимизда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида адолатли жамият, халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадрини юксалтириш борисида кенг қамровли ишлар қилинди. Айниқса, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган янгиланишлар жараёнида илгари сурилган ижтимоий давлат моделини алоҳида қайд этиш лозим.

► Давоми 4-бетда

Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

ТАРИХ НАВБАТНИ ЁШЛАРГА БЕРМОҚДА

Жаҳон цивилизациясига бешик бўлган, ўтмиши буюк юртимизда янги тарих яратилмоқда. Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг улғу алломи ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатни азму шижоатли ёшларга бермоқда. Зеро, улар янги Ўзбекистоннинг эртаси, миллатимиз келажаги, халқимиз таянчи ва суянчи, жамият тараққиёти гаровидир.

Қайси соҳада ёшлар илғор бўлса, унинг келажаги барқарор, натижаси самарали бўлади. Яқин ўтмишда жадид намоёндалари ёшларга мурожаат этиб, уларни олдинга интилишга, замонавий билимларни эгаллашга чорлаганди. Атоқли жадид бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий “Эй ғайратлиқ ёшлар! Бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, миллат йўлида хизмат этингиз. Замон сизникидур. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади”, деган эди.

Президентимизнинг Ёшлар кунинда фидойи ва ватанпарвар ёшлар билан самимий мулоқоти ҳар биримизни ёш йигит-қизлар ила ҳамнафас бўлишга даъват этади. Зеро, Бехбудий 1914 йилда “Муҳтарам ёшларга мурожаат”ида “Моллари ёки сўзлари ила миллат фойдасига ёрдамлари теккан баъзи уламою ағниёмиз ҳам ёшлар қаторидадурлар”, дея таъкидлаганди.

Бугун ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Таъбир жоиз бўлса, энди ёшлар ислохотлар кузатувчиси эмас, балки ташаббус кўрсата оладиган, фикрлари инобатга олинадиган фаол қатлам, илғор ижтимоий қатламга айланган. Шунинг учун ҳам бугунги ислохотлар марказида айнан улар турибди.



Ислохотлар бошланган биринчи кунларданок таълим-тарбия масаласи, хусусан, мактаб таълимининг ислох қилиш кун тартибига чиқди. Аниқ мақсадларга йўналтирилган тизимли ислохотлар самарасини

кўрсатиб, барчамиз бундан ўн йиллар илгари ҳолат билан бугунги манзара ўртасида катта тафовут кўзга ташланаётгани гувоҳи бўлмоқдамиз.

► Давоми 5-бетда



“ЕЧИМЛАР АТЛАСИ” — МЕГАПОЛИС ШАҲАРСОЗЛИГИДА ЯНГИ СТАНДАРТЛАР

ЭНДИ ЙЎЛЛАР ТАЪМИРИ БИНОДАН БИНОГАЧА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

4



ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Йигитлардан асло қолишаётгани йўқ

5



КИТОБНИНГ КУЧИ

6



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ШАХСІЙ МАСЪУЛИЯТ ВА МУСТАҲКАМ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ



Жўрабек РАҲИМОВ,
Хоразм вилояти ҳокими

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда вилоят ҳокимлигида ижро интизоми бўйича алоҳида таркибий бўлима фаолият олиб бормоқда. Келиб тушаётган барча топшириқ ва муурожаатлар, уларнинг ижрочиларга етказилишидан тортиб, ижро этилишига қадар жараёнлар электрон тизим орқали доимий назоратга олинган. Топшириқларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш учун назорат режаларини ишлаб чиқиш, ижро жараёнининг кунлик мониторингини амалга ошириш, бошқа давлат органлари билан тезкор маълумот ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Бу бўйича масъул ходимларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда махсус семинар-тренинглар ўтказиб борилмоқда.

Қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижроси ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Вилоят ҳокимлиги аппаратынинг ҳафталик, ойлик ва чораклик йиғилишлари, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг сессияларида ижро интизоминини мустаҳкамлаш борасида ҳоким ўринбосарлари, қатор ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилмоқда. Бу жараёнда депутатларнинг фаоллиги, маҳаллий ижро ҳокимияти вакилларининг ҳисоботларини номига эшитиш эмас, балки ҳар бир банд бўйича жиддий муҳокамалар бўлаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.



2025 йилнинг январь-июнь ойларида Хоразм вилояти ҳокимлигига 9942 та ҳужжат, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидан 170 та, Президент Администрациясидан 578 та, Вазирлар Маҳкамасидан 1158 та, бошқа вазирлик ва идоралардан 8036 та ҳат ва ҳужжат келиб тушган, шундан 9941 тасининг (99,9 фоиз) ижроси таъминланган.

2025 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида “Edo.lrgo.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига киритилган 1422 та ҳужжат назоратга олиниб, шундан 1421 таси ўз муддатида назоратдан ечилган, қолган 1 та топшириқ ижросини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган. Жорий йилнинг июль ойида “Edo.lrgo.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига киритилган 226 та топшириқ мавжуд. Уларнинг ижросини таъминлаш бўйича алоҳида “йўл харита”си ишлаб чиқилиб, бажариш механизмлари аниқлаштирилган.

Ижро интизомининг муҳим йўналиши жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашдир. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 2047 та ариза ва шикоят ўрганилиб, натижаси муурожаат муаллифларига маълум қилинган, 26 та муурожаат ижроси маълум муддат талаб этгани боис, уларни ҳал этиш чоралари ишлаб чиқилди. Жойларда ўтказилган сайёр қабулларда 1112 нафар фуқаронинг муурожаатлари тингланиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Муурожаатларнинг асосий қисми имтиёзли банк кредитлари, ер муносабатлари, бандлик ва моддий ёрдам олиш масалалари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилди. Масъул ходимлар ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири турганини чуқур ҳис қилган ҳолда, муаммага оқилона ечим топиш, халқимизни рози қилишни асосий мақсад сифатида белгиллаб олган.

Ҳар ҳафтада фуқаролар учун ўтказиладиган сайёр қабуллардан ташқари тadbirkorлар учун ҳам алоҳида сайёр қабуллар ташкил қилдик. Унда кичик бизнес ва тadbirkorлик субъектлари вакилларининг тақлифлари, фаолиятини янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар юзасидан муурожаатлари тегishли мутасаддилар иштирокида ўрганиб борилди. Натижада тadbirkorлар фаолияти қўллаб-қувватланиб, янги лойиҳаларни амалга ошириш, иш ўринлари

2025 йил январь-июнь ойларида экспорт ҳажми 206 миллион долларни ташкил қилиб, ўсиш суръати 133 фоизга етди. Экспорт фаолиятига 40 дан ортқ янги корхона жалб этилди, экспорт географияси асосан Россия, Покистон, Қозоғистон, Туркия ва Хитой давлатларини ташкил қилди. Шунингдек, Арманистон, Кипр, Вьетнам, Латвия, Литва, Болгария каби давлатларга ҳам маҳсулот экспорт қилинган.

Ушбу даврда вилоятда 2917 та кичик бизнес субъекти янгидан ташкил этилиб, фаолият кўрсатмаётган 1114 та корхона фаолияти қайта тикланди. Натижада вилоятда кичик бизнеснинг янги худудий маҳсулотдаги улуши 65,8 фоизга етди.

Қамбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлиги борасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўла таъминланган. Натижада вилоятда ишсизлик даражаси 3,4 фоиздан 4,7 фоизга туширилди. Ўйчи, Сайхунобод, Зарбдор ва Гиждувон таъриблари асосида 21 минг нафарга яқин аҳоли қамбағалликдан

чиқарилди. Шунинг самараси ўлароқ қамбағаллик даражаси 11,9 фоиздан 9 фоизга пасайди.

Қурилиш соҳасига тўхталадиган бўлсак, вилоятимизда инвестиция дастури доирасида 98 та объектда 558 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, барча дастурлар доирасида 57 та мактаб, 8 та мактабгача таълим ташкилоти, 18 та тиббиёт муассасаси, 350 та бошқа турдаги объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят бўйича 1600 та хонадонга мўлжалланган, жумладан “Янги Ўзбекистон” массивларида 500 та кўп қаватли уй-жой қуриб битказилди. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш 91,6 фоизга етказилди, шунингдек, қатор туманларда марказлашган оқова сув тармоғи тизимлари барпо этилди. Аҳолини кафолатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 1080 километр электр тармоқлари ва 2300 та трансформатор пунктини янгидан қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 9,7 миллион туп меваги ва манзарали дарахт кўчати экилди. Вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида биттадан намунавий “Экология кўча”лари, “Яшил боғлар” ҳамда “Яшил жамоат парклари” барпо этилди.

Транспорт-коммуникация йўналишида Президентимиз ташаббуси билан бошланган йирик лойиҳалардан бири — Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш муваффақиятли якувланди. Эндиликда вилоятга замонавий тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилиши манзилга етиб бориш вақтини қарийб икки баробар қисқартиради. Урганч шаҳрида жамоат транспорти хизматини яхшилаш мақсадида Хитой Халқ Республикасидан яна қўшимча 30 донга автобус сотиб олиниб, жами олиб келинган янги автобуслар сони 80 тага етказилди.

Йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича 260 километр узунликдаги автомобиль йўлларига асфальт ётқизилди, 4 та кўприк реконструкция қилинди, 100 километр ички хўжалик йўллари шағаллаштирилди.

Йўл қурилиши соҳасида яна бир йирик лойиҳа — Урганч шаҳридан Тупроққалъа туманигача бўлган йўлнинг 84 километр қисмини бетон қопламаси билан реконструкция қилиш ишлари бошланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 45,8 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди, жумладан, 30,1 минг гектар майдонда лазерли текислаш ишлари бажарилиб, кластерлар ва фермер хўжаликлари тасарруфидagi 1343 километр ички сугориш тармоқлари бетонлаштирилди. Барча дастурлар доирасида 29 километр узунликда ирригация ва мелиорация тармоқлари реконструкция қилинди ва тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди, 7 та сув иншооти янгидан қурилди ва таъмирланди. Натижада 14,5 минг гектар ернинг сув таъминоти ва 2 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Туризм соҳаси вилоят иқтисодиётининг драйверларидан бири, жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 1 миллион нафар хорижий, 3,6 миллион нафар маҳаллий сайёҳ ташриф буюрди. Жами 905 ўринли 21 та янги меҳмонхона, хостел ва меҳмон уйлари, 2 та йўл бўйи туризм инфратузилмаси объекти фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган “Арда Хива” халққаро сайёҳлик мажмуаси воҳанинг туризм



истикболида янги саҳифа очди. Умумий майдони қарийб Ичан қалъа ҳудудига тенг келадиган, яъни 24,5 гектарни ташкил этган бу шаҳарчада тарих музейи, шарқ бозори, савдо дўконлари, 9 та ресторан, 5 та кинотеатр ва концерт зали, кўрғазмалар павильони, заргарлик маркази, хўнарандчилик уйлари, сув мототуризма ва қайиқларда сайр қилиш имконияти яратилган. Шаҳарчада 1080 ўринли 5 та меҳмонхона ва 13 та меҳмон уйи, бир йўла 2000 кишига хизмат кўрсатувчи очик ва ёпиқ аквапарк ва аттракционлар, 3000 ўринли амфитеатр, муслиқ фавворалар мавжуд.

Шунингдек, Урганчда Шовот канали соҳилида бунёд этилган “Лазги ва Авесто” музейи ҳам хорижлик ва маҳаллий сайёҳларнинг севимили масканига айланмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида ислохотлар жадал давом эттирилиб, 4 та давлат-хусусий шериклик, 26 та оилавий

нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятда богча ёшидаги болаларнинг қамров даражаси 83,6 фоизга етди.

Умумтаълим мактабларида 1170 ўқувчига мўлжалланган қўшимча ўқув бинолари қурилди. Олий таълим муассасаларида қабул квоталари сони ошиб, янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамров кўрсаткичи 60 фоиздан ошди.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятимиздаги 8 та тиббиёт муассасасида 11 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди, шунингдек, шифо масканлари учун 3,4 миллиард сўмлик 27 турдаги тиббий жиҳозлар сотиб олинди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази Хоразм филиали учун замонавий бино қурилди, бир неча янги клиникалар ишга туширилиб, хусусий секторда аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар сони 504 тага етди. Умуман, вилоятда иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришилди ва бу билан тўхтаб қолмасдан, ютуқларни янада мустаҳкамлаш, ислохотларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари кўриляпти.

Жорий йил 16 июнда ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бундан буён ижро интизоми масаласига Ҳисоб палатаси масъул бўлишини таъкидлаб, қўйи бўғинда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор топшириқлар берди. Жумладан, Хоразм вилоятида жадал ривожлантириш белгиланган Шовот ва Хазорасп туманларида ҳам ушбу янги тизим жорий қилинади. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ақинда имзоланган “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндошувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижро ҳокимияти

Ташрифдан сўнг

ЭЛГА ЭЛДОШ НУРОНИЙЛАР

Президентимизнинг шу йил 19-20 июнь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи воҳа аҳлини янги марралар сари чорлади. Давлатимиз раҳбари юртимизнинг қайси ҳудудига борса, аввало, ҳаёт деб аталмиш мактабда тобланган нуруний отахону онахонлар билан учрашиб, дилдан сўхбатлашишни хуш қўради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Президентимиз “Афросиёб” тезорар поездиди Қаршидан Шахрисабзга йўл олар экан, вилоят нурунийларини мулоқотга чорлади.

Жумақул ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, сиёсий фанлар номзоди



Яқинда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда “Нуруний” жамағармаси вилоят бўлими ташаббуси билан кекса авлод вакилларидан 200 дан ортқ ижтимоий ҳаётда фаол бўлишга қўшма қўл қўйилган. Отахон ва онахонлар дастлаб навхирон Қўқдала туманида бўлди. Бу туман давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳолига қўлайликлар яратиш, урбанизация жараёнини тартибга солиш мақсадида уч йил аввал ташкил этилган эди.

Шундан сўнг ҳудуд ривожига жадаллашиб кетди. Бугун Ёттичум яқинида янги шаҳар пайдо бўлмоқда. Бу ҳақда Қўқдала тумани ҳокими Хуррам Жўраев нурунийларга сўзлаб берди. Ўзбекистоннинг, 38 та давлат идораси бир жойда — туман ҳокимлиги биносида жамланган. Бу эса аҳолига катта қўлайлик яратишди табиий. Авваллари бориб юмуш юзасидан олис масофаларни босиб, Чироқчи тумани идораларига қатнаган фуқаролар энди барча хизматларни ўзига яқин жойда олапти.

Нурунийлар Қўқдаладан бундай яхлит ва мутаносиб шароитлар барча туманлар учун намуна эканини таъкидлади. “Инсон”

ижтимоий хизматлар маркази ҳам ҳокимлик биносида жойлашган. Бу ерда аҳоли учун ижтимоий хизмат ва ёрдамлар бир нуқтада комплекс шаклда тақдим этилади. Унинг дастурий тизими 55 та дахлдор ташкилотнинг маълумотлари билан интеграция қилинган.

Болалар, ногиронлиги бор инсонлар, кексалар ва ижтимоий тўловлар тизими ўзаро боғланган. Нурунийлар туман марказидаги Ёттичум кичик sanoat зонасида ҳам бўлди. Тўрт тектар майдонда тўқимачилик, озик-овқат, қурилиш каби йўналишларда 10 миллион долларлик тўққизта кичик лойиҳа жойлаштирилган.

Янги бунёд этилган санъат саройида 255 ўринли томоша зали, қўллаб-қувватлаш учун хоналар бор. Сарой замонавий чолғу асбоблари билан таъминланган. Тумандаги санъат мактаби, умумтаълим мактаби ва спорт мажмуаси сарой яқинида жойлашган, болаларнинг келиб-кейтиши учун жуда қўлай.

Туманда 120 километр сув, 110 километр электр тармоғи қурилиб, зарур инфратузилма яратилди. Йўллар кенгайтирилиб, таъмирланди. Маъмурий бинолар — 19 та мактаб, 22 та богча, кўп тармакли шифона ва оилавий поликлиника барпо этилди. Чет эллик ўқитувчилар келиб, қўқдалалик болаларга дарс берапти.

Нурунийлар Яккабоғ туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам бўлди. Аҳоли фаровонлиги ва турмуш маданиятини ошириш мақсадида қад ростлаган мазкур массив илгор шаҳарсозлик ечимлари асосида қурилган. Кўп қаватли уй-жойлар кўркамлиги, тартиблилиги ва ободлиги билан туман қиёфасини ўзгартириб юборди. 18 гектар майдонни эгаллаган массивда беш қаватли 54 та уй қурилиб, уларда 1400 та оила истиқомат қилипти. Уйлар нафақат замонавий архитектураси, балки аҳоли учун яратилган инфратузилма қўлайлиги билан ҳам ажралай туради. Ҳар бир уй замонавий коммуникация тармоқлари, атрофи эса болалар майдонлари ва автотураргоҳлар билан таъминланган.

Шу билан бирга, ҳудудда уч қаватли “Эко-бозор” барпо этилган. У орқали маҳаллий деҳқонлар ўз маҳсулотини тўғридан тўғри истеъмолчиларга етказиш имкониятига эга. Бу эса сифат ва нарх жиҳатидан одамларга маъқул бўлмоқда. Бозорда 640 иш ўрни яратилган.

Массивдаги инфратузилма иншоотларига қуёш панеллари ва геотермал коллекторлар ўрнатилган. Бу эса энергия тежамкорлиги ва



“Нурунийлар Яккабоғ туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам бўлди. Аҳоли фаровонлиги ва турмуш маданиятини ошириш мақсадида қад ростлаган мазкур массив илгор шаҳарсозлик ечимлари асосида қурилган. Кўп қаватли уй-жойлар кўркамлиги, тартиблилиги ва ободлиги билан туман қиёфасини ўзгартириб юборди.

улуксизлиги, экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Аҳолининг дам олиши, болалар ва ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиши учун қўлайликлар яратилган. Хусусан, сайлгоҳлар, болалар богчаси, спорт майдонлари ҳамда сервис нуқталари ягона концепция асосида барпо этилган.

Нурунийларнинг кейинги манзили Шахрисабз шаҳридаги кўп тармакли кардиология маркази бўлди. Тадбиркорлар бунёд этган “Оқсарой” клиникаси яқинда ишга туширилди. Бу ерда 4 та жарроҳлик ва 6 та реанимация хонаси, 100 дан ортқ шифо ўрни мавжуд. Бир вақтнинг ўзига 4 та ва кунига 25 тагача юқори технология кардиожарроҳ

лик амалиётини ўтказиш имконияти бор. Бунинг учун Россия, Туркия ва Қувайтдан малакали шифокорлар жалб этилган. Шифонахонада 130 та иш ўрни яратилган. Малакали мутахассислар тайёрлаш учун шу ернинг ўзига клиник ординатура йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосида Қашқадарё вилоятининг тоғли рекреация ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм мажмуалари барпо этилмоқда. Жумладан, хорижий давлатларнинг малакали экспертлари ва етакчи компаниялари иштирокида Мираки, Амир Темур, Улоҳ ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қўлайликлар яратилмоқда. Жами

240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга ошириляпти. Натижада 1700 та доимий иш ўрни очилади.

Илгари бу сўлим жойлардан ҳар қим ўз билганича фойдаланар эди. Сой бўйларидаги бетартиб оромгоҳларда инфратузилма етишмасди. Бугун бу манзил яхлит туризм кластерига — “Мираки” халқаро туризм марказига айланди.

Оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пиёда ва велосипедда юриш учун ўн километрли эълўлак ташкил этилган. Болалар майдончаси, кўнгилочар бог, нурунийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳамда кўча савдо шохобчалари маҳалла кўрқини оширган.

“Мираки” дам олиш ҳудудини туризм марказининг замонавий қисми. Бу ерда иккита меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар мажмуа барпо этилган. Шунингдек, бир вақтнинг ўзига 600 сайёҳни қабул қилувчи меҳмон уйи, 300 ўринли оилавий хостел очилган. Натижада йилига 300 мингдан зиёд меҳмонга хизмат кўрсатиш имкони яратилган. Янги сайёҳлик марказига инвесторларни жалб этиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилган. Сайёҳларни қизиқтириш учун Ҳисорак сув омборига туташ ҳудудда икки километрдан ортқроқ дор йўли ва денгиз сатҳидан 2700 метр баланликда ресторан қурилган.

Тadbirkor доминида нурунийларнинг шуқрона сўзалари, дуолари тингланди. Уларнинг дуоларида, аввало, юртга тинчлик, фаровонлик истаклари янгради, илохотларга қамарбаста инсонларга омонлик, зафар ва муваффақият сўралди. Чин дилдан ва илохот билан қилинган дуолар қамшиа ижобат бўлгусидир.

Нурунийлар сафар давомида шунга амин бўлдикки, вилоят қиёфаси кейинги йилларда бутунлай ўзгармоқда. Вилоят аҳли бу ўзгаришларнинг барчасини ўз ҳаётида кўриб, ҳис этиб турибди. Шу боис, яратувчанлик қайфиятида бутундан рози бўлиб, эртанги кунга қомил ишонч билан яшапти. Мамлакатимиздаги илохотларнинг ўзағида инсон манфатларини юксалтириш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш ва ҳар бир ҳудуднинг бой салоҳиятини рўбёга чиқаришга қаратилган “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” эзгу ғояси ётибди. Бу ғоя давлатимизнинг фаолият дастурига айлганган. Қашқадарё вилоятида кечаётган кенг қамровли ўзгаришлар эса мазкур сиёсатнинг амалдаги ёрқин намунасидир.



ЗАНЖИРНИНГ УЧ ҲАЛҚАСИ



Дилшод УЛУГ'МУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда замонавий мактабга-ча таълим ташкилотлари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар ва Президент мактаблари, янги хорижий ва хусусий олий ўқув юртлири ташкил этилгани уларга шундай беқиёс имконият тақдим этмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ўтган саккиз йил давомида мактабгача таълим тизимида қамров 2017 йилдаги 27 фойздан 77 фойзга, олий таълимда эса 9 фойздан 42 фойзга етгани таълим соҳасидаги ислохотлар илгари тарихимизда мисли кўрилмаган ўзгаришларга олиб келаётганини англатади.

Президентимиз жорий йил 30 июнь куни ёшларнинг турли соҳалардаги лойиҳалари, кадриети ва ютуқлари тақдироти билан таништириш чоғида “Ёшларимизнинг ҳар бир муваффақияти биз учун куч-қудрат, мамлакатимиз келажига таянч. Бугун фарзандларимиз замонавий йўналишларни эгаллаб, анча илгарилаб кетяпти. Уларни қўллаб-қувватласак, сифатли таълим бериб, шароит яратсак, бундан ҳам катта натижаларга эришади,” дея таъкидлаган эди.

Навқирон авлод вақилларига яратиб берилаётган шарт-шароит ва қўлайликлар “Ватан учун, миллат учун, халқ

учун” қилинаётган саъй-ҳаракатлар, десак ҳеч ҳам муболага бўлмайди. Чунки ёшлар Ватан келажиги, тараққиёт бунёдкорларидир.

Яқинда бир маълумотга қўйим тушди. Гап шундаки, кейинги йилларда мамлакатимиз аёлларининг бўш вақти анча кўпайибди ва бунинг ортидан уларда ишлаш имконияти кенгайибди. Жаҳон банки экспертлари тадқиқотларига таянган ҳолда тараққилган хабарга кўра, бу имконият Ўзбекистонда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси кескин ошиши натижасида пайдо бўлган. Айнан шу сабаб аёллар бандлиги 12 фойз ортган. Фақат оналар эмас, балки болага қараш билан банд бўлган буилар, амма-холалар, опа-сингиллар ҳам ишга жойлаша бошлаган.

Энг муҳими, бугунги кунга келиб одамлар бочкага болаларни фақат парваришlash ёки қараб туриш воситаси эмас, балки уларнинг келажигига сармоя сифатида қарамоқда. Тадқиқотда яна бундай дейилади: “Ўзбекистонда 2017 йилда мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш даражаси дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, 3-7 ёшли болаларнинг 30 фойздан камроғи мактабгача таълим ташкилотларига қатнайди. 2018-2022 йилларда ҳукумат умуммиллий мактабгача таълим ташкилотларини кенгайтиришни йўлга қўйди, улар сонини уч баравар ошириб ва шаҳару қишлоқлардаги минглаб оилалар учун болалар парваришини уйларида яқинлаштирди”.

Мамлакатимиздаги ислохотлар самараси хусусида тушунча берувчи ушбу тадқиқот Жаҳон банки томонидан мунтазам ўтказиб келинади. Сўров давомида реал вақт режимида иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар кузатиб борилади ва шунга қараб ҳулоса қилинади. Ўзбекистонда ўтказилган навбатдаги тадқиқотда 1500 га яқин хонадон қамраб олинган ва улардаги ўзгаришлар асосида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон тажрибаси бошқа мамлакатлар учун қимматли сабоқ

Ўзбек халқи азалдан тарбияга қаттиқ туради. Ёшларнинг бирор яхши амалига гувоҳ бўлсак, “Тарбия берган ота-онасига раҳмат”, дея муносабат билдирамыз. Аждодларимиз, адиб арбобларимиз бежиз ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб, асарлар битмаган. Халқ орасида бу борада “қанотли” гаплар ҳам бекорга бўлмайди. “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси хал қилади”, “Инсон қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, мансаби ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, ундан элга қанчалик наф тегishi билан белгиланади”, “Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади” деган ҳикматларни қўл эшитгимиз, ўқиганмиз. Улғайган сари бу каби гаплар мағзини қақа бошлаймиз ва уни ўғил-қизларимиз онига синдиришга ҳаракат қиламиз. Тарбияга ундаймиз. Шу тариқа бу бизнинг буюк вазифамизга айланади.

Халқро ташкилотнинг юқоридagi тадқиқотдан келиб чиқиб, умуман, кейинги йилларда мамлакатимизда болалар тарбиясига қаратилган ишларни таҳлил этиб ҳулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда ушбу масала катта эътиборда, давлат сиёсати даражасидаги устувор ва долзарб вазифага айланган. Бунинг самараси ўлароқ, уйда ўтирадиган аёллар наинки ўзига вақт ажрата олмапти, ишлаб, рўзғорига барака олиб қиришга ҳаракат қилаяпти, балки уларнинг фарзандлари эртага элу юртига наф келтирадиган яхши инсон, мутахассис бўлиб воғта етиши учун қўлай шароит яратяпти. Негаки тарбия ўчоғи аввало оила бўлса, сўнг мактабгача таълим ташкилотлари, халқ тили билан айтганда, болалар бочкаларидир. Бола онги, тасавури, ҳаётга қарашлари айнан шу икки масканда шаклланади.



Тадқиқот ўз йўлига-ю, юртимизда сўнгги пайтларда болалар тарбияси, билим олиши учун қилинаётган ишлар кўлами сезиларли даражада кенгайгани рости. Кечagina аксарият қишлоқларда болалар боччаси йўқ эди. Эҳтимол, унинг барпо этилишини кузата туриб, хаёлидан “одамлар болаларини берармикан?” деган ўй ўтган, ишонмаганлар ҳам бўлгандир. Лекин бугун уларга айтиладиган гаплар, кўрсатиладиган мисоллар етарли. Фалон туманининг фалон қишлоғини мисол сифатида келтирмоқчи ҳам эмасмиз. Бунинг учун жойларга чиқишининг, кўз билан кўришининг ўзи кифоя.

Охириги етти йилда мактабгача ва мактаб таълими учун ажратилаётган маблағ етти карра оширилгани, жорий йилда миқдори 60 триллион сўмини ташкил этгани ҳисобига мактабларда 1 миллионга яқин, бочкаларда 1,5 миллион янги ўрин яратилгани Ўзбекистон ўз фарзандлари тақдирига қанчалик қайғураётгани, демакки, барқарор ва фаровон келажак учун бугундан пухта замин яратишга қиришганини англатади.

Айни пайтда юртимизда 7 мингта давлат ва 31 мингдан зиёд хусусий бочка фаолият юритмоқда. Олти ёшли болаларнинг 96 фойзи мактабга тайёрлов гуруҳларига



2010-2016 йилларда 73 та, биргина 2024 йилда 122 та медаль

Донолар айтади: илм эгарланган от, билганга дўст, билмаганга душмандир. Чиндан ҳам илмга ошно бўлиш зўр одат. У инсонни яхши ва ёрқин келажакка етаклайди. Мамлакат, жамият ривожини ана шунга одатланганлар сони қанчалик кўпчилигига боғлиқ.

Кўпчилик инвестиция деганда бирор соҳа ёки тармоққа йўналтириладиган сармояни тушунади. Лекин инвестициянинг энг самаралиси илмга, фарзандлар билим олиши учун шароит яратишга сарфланганидир. Шу жиҳатдан Президентимизнинг тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидagi “Инвестициялар фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тиричилик ва барқарорликнинг қалолатидир! Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга, инсон қадрини уълғайдиған, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиған, ва жамият равнақига хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлانسин!” деган гапи фикр юритаётган мавзумизга ҳам дахлдорлиғи билан алоҳида аҳамиятли. Чунки бугун мамлакатлар равнақи, келажаги унинг ҳудуди ёки табиий бойлиғи билан эмас, ёшларнинг қобилияти, иқтидори, тафаккури билан ўлчанмоқда. Олдий қилиб айтганда, билим дунёдаги энг қимматли бойликка айланиб бўлди.

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ экани ҳам аллақачон исботини топиб улгурган. Шундай экан, нима учун ўқимаслигимиз, билим олмаслигимиз, ўз илмимиз билан ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшмаслигимиз керак?! Айниқса, бунинг учун барча имкониятлар яратиб берилаётган шароитда.

Жумладан, бизда 2022-2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур қабул қилинган. Шунингдек, таълим дастурлари энг

илгор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланяпти, мактаблар замонавий жиҳозлар билан таъминланяпти.

Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолияти, мунтазамлик касб этган фан олимпиадалари ўз натижасини кўрсатмоқда.

Ўтган вақт ичида илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 288 мингдан ортиқ бошланғич синф ўқувчисининг бепул оқватланиши йўлга қўйилди. Хусусий сектор ривожини учун яратиб берилаётган қўлай имкониятлар натижасида нодавлат мактаблар улуши 5 фойзга етди.

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритяпти. Хусусан, 2010-2016 йилларда ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида 73 та медални қўлга киритган бўлса, сўнгги етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлган. Ҳозир ўқувчилар таътилда. Ўқитувчилар дам олишда. Лекин бу ёшлар таълим ва тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилиши керак дегани эмас. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган “Долзарб 90 кун” давомида умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар ва маҳаллалардаги уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 3 ойга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра, ўқувчилар ўртасида танлов, мусобақа ва тадбирлар ўтказилади. Хуллас, бу орқали ёшларнинг таътилда ҳам банд бўлиб, фойдали нимадир ўрганиши учун имконият тақдим этиляпти. Бинобарин, мактаб курув келиши эмас, билим олиш маскани бўлмоғи лозим.

Юртимизда таҳсил олаётган хорижлик талабалар қамрови қарийб 10 баробар ошди

Ўзбекистон — ёшлар мамлакатини. Аҳолининг 60 фойзи навқирон авлод вакиллари. Ҳар йили шундан салкам ярим миллионни мактабларни тамомлаб, катта ҳаёт сари қадам ташлайди. Улар сафига лицей ва техникумлар, мактабнинг тўққизинчи синф битирувчиларини ҳам қўшсак, сон бир миллионга етиб қолади. Бу — катта куч.

Аниқ мақсад, оқилона сиёсат туфайли катта ҳаётга қадам қўяётган, яъни жамиятимизга фойда келтиришни кўзлаган, катта орзули ана шу ёшлар учун олий таълимда ҳам кўп имконият яратиб бериляпти.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Юртимизда кейинги йилларда олий таълим йўналиши замон талабларига мос ислох қилинаётгани, тизимга замонавий ёндашилаётганининг боиси ҳам шунда.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 2017/2018 ўқув йилида олий таълим муассасалари (ОТМ) сони 72 та ташкил этган бўлса, 2023/2024 ўқув йилида 200 дан ошди. Ўсиш 300 фойздан зиёд. Бу орада хорижий олий таълим муассасалари филиаллари сони ҳам қарийб 4,5 баробар кўпайиб, 31 тага етди.

2025 йилда Ўзбекистондаги 23 та олий таълим муассасаси QS (Quacquarelli Symonds) халқаро рейтингининг Марказий Осиёдаги топ университетлар рўйхатидан ўрин олди.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга университетлар қандай таъсир кўрсатишини баҳоловчи халқаро рейтинг ташкилоти — Times Higher Education (THE) Impact Rankings натижаларига кўра, 2024 йилда Ўзбекистондаги 53 та олий таълим

муассасаси ушбу глобал рейтингга киритилди. Улардан 7 таси “ТОП-1000” та олий таълим муассасаси рейтингидан жой олган.

2024 йил Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хорижлик талабалар сони 12,5 минг кишини ташкил қилди ва 2017/2018 (1,3 минг нафар) ўқув йилидагига нисбатан 9,6 баробар ошди. Мамлакатлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, хорижлик талабаларнинг аксариятини Ҳиндистон (6502 нафар), Туркманистон (1430), Покистон (1250), Россия (732) фуқаролари ташкил этади.

Ўтган йили 27,3 минг ўринли талабалар турар жойи барпо этилди. Шунингдек, талабалар турар жойига жойлашish тизими тўлиқ рақамлаштирилди. Бу орқали талабалар ўз яшаш жойини масофадан туриб онлайн банд қилиши мумкин.

Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, давлат ОТМ магистратурасида ўқитган барча хотин-қизларнинг контракт тўлови давлат бюджетига ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу мақсад учун ҳар йили камида 200 миллилар сўм ажратилиши белгиланган.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 18 июлдаги “Олий ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, олий ва профессионал таълимда таҳсил олаётган хотин-қизларга 7 йил муддатга фойзсиз таълим кредитини ажратиш тартиби жорий этилди ва ушбу тизим Президентнинг 2024 йил 27 майдаги фармони билан такомиллаштирилди.

Шу кунларда янги ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига қабул бошланган. Айни пайтда мактаб, лицей, коллеж битирувчилари ана шу масъулиятли ва ҳаяжонли палла олдида турибди.



Жорий йилги қабул ҳам “аввал тест, кейин танлов” тамойилига мувофиқ амалга оширилди. Яъни абитуриентлар аввал тест сновларини топширади, сўнг ўз натижаларига қараб, 15 кун ичида олий таълим муассасаси, йўналиш ва ўқш шаклини ташкилади. Ушбу тартиб абитуриентларга ўз билим даражасига мос равишда йўналиш танлашда адолатли имконият яратиши билан алоҳида ажралиб туради.

Қолаверса, жорий йилда ҳам ногиронлиги бор шахсларга махсус шартлар яратилади. Улар учун алоҳида квоталар мавжуд. Етим ва ота-онаси қарамоғидан махрум бўлган шахслар алоҳида квоталар асосида ўқишга қабул қилинади. Ҳарбийлар фарзандлари, чекка ҳудуддаги мактаб битирувчилари, халқаро олимпиада голиблари ҳамда махсус сертификатга эга бўлганлар имтиёзга эга.

Жорий йилнинг 10 июнидан 2025/2026 ўқув йили учун олий таълим муассасалари тасарруфидagi академик лицейларга қабул параметрлари таълим

қамраб олинган. Кейинги йили бу рақам 100 фойзга чиқади.

Тадқиқот ҳулосасидagi “Ўзбекистон тажрибаси бошқа мамлакатлар учун қимматли сабоқ беради” деган жумла киши эътиборини тортади.

“**Ҳа, Ўзбек халқининг тарбияси буюк. Болаларимиз тарбияси борасидаги ишлар кўлами янада кенгайиб бораётгани билан эътиборни тортмоқда. Чунки инсонда гўзал фазилатлар икки йўл — таълим ва тарбия асосида шаклланади. Биз танлаган йўлнинг асл мазмун-моҳияти ҳам шунда.**

Соҳалар таҳлили билан шуғуллануви институтлар Ўзбекистонда ҳам бор. Шулардан бири — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти мутахассислари яқинда 2017-2024 йилларда мактабгача таълим тизимида амалга оширилган ўзгаришлар таҳлилинн эълон қилди. Унга кўра, мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритувчи педагог ходимлар сони 175 минг нафарни ташкил этади ва ҳар бир ходимга ўртача 13,4 бола тўғри келади. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида педагог ходимлар сони 2,7 баробар ошган.

2020 йилда “Finance Inquirer” наشري Марказий Осиё тадқиқот гуруҳи (Research Group Central Asia — RGCA) тадқиқоти натижалари ҳамда ЮНИСЕФ, Жаҳон банки ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотларига мувофиқ, Ўзбекистон болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишда дунёда энг яхши ўсиш суръатини кўрсатган 10 та мамлакат рейтингида биринчи ўринни эгаллаган.

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон илк маротаба йўлга қўйилган MELQO халқаро баҳолаш тизимига кўра, болаларда эрта математика кўникмалари ўртача 94 фойзни ташкил этиши, катта ва тайёрлов гуруҳларидаги болаларда эрта саводхонлик кўникмалари 77 фойздан юқори экани аён бўлди. Эътиборлиси, баҳолашда иштирок этган мактабгача таълим ташкилотларининг 90 фойзи ўқув-методик ва дидактик адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. Булар қувонарли факт ва рақамлар.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш, давлат мактабгача таълим ташкилотларининг барчасида компьютер синфларини ташкил қилиш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш, мактабгача таълим ташкилотларини 100 фойз тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфраструктураси билан таъминлаш мақсадлари белгиланган. Ҳозирги натижалар ана шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бу йил ҳам ушбу йўналишда қамровни янада кенгайтириш, сифат ва самарадорликни ошириш борасидаги ишлар тизимли давом эттирилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “ашиш иқтисодиёти” йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган олис ва чекка ҳудудларда мактабгача таълимнинг муқолиб шакллари ташкил этиш, шу жумладан, мобил гуруҳлар учун махсус жиҳозланган автобуслар ажратиш ҳамда жойларда ўйин майдончалари ташкил этиш чоралари кўриляпти.

“Биз нафақат иш жойи яратдик, балки одамларнинг ўз даромадини кафолатли олиши учун шароит ҳам ҳозирладик. Масалан, 77 мингта хонадонга йилига 60-70 миллион сўм даромад келтирадиган лойиҳа пакетлари берилди.



Алишер МУРОДОВ, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш демакдир”.

Янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизда ушбу тамойил мустақамланиши натижасида инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Айниқса, “Одамлар эртага ёки узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак” деган мақсад асосида ижтимоий давлатнинг асосий моҳияти — аҳолини даромадли иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Жорий йилнинг биринчи ярмида аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш бўйича катта қадамлар қўйилди. Хусусан, январь-июнь ойлари давомида 3 миллион фуқаро иш

“БАНКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА 1 МИЛЛИОН 780 МИНГ ФУҚАРО ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ ЁКИ ЎЗ БИЗНЕСИНИ БОШЛАШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИ. УЛАРДАН 661 МИНГ НАФАРИ ДОИМИЙ ИШГА ЖОЙЛАШДИ, 1 МИЛЛИОНДАН ОРТИГИ ЭСА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ.

га фаровонлик, қалбларига бугунги яшаётган кунидан розилик, эртанги кунга ишонч ҳиссини олиб кирди, десак хато бўлмайдми. Ушбу лойиҳаларга 300 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Биз нафақат иш жойи яратдик, балки одамларнинг ўз даромадини кафолатли олиши учун шароит ҳам ҳозирладик. Масалан, 77 мингта хонадонга йилига 60-70 миллион сўм даромад келтирадиган лойиҳа пакетлари берилди.

Бундан ташқари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 63,6 триллион сўм кредит ажратилди. Уларнинг катта қисми оилавий ва кичик бизнесга қаратилган. Ёшлар, хотин-қизлар, меҳнат миграциясидан қайтганлар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳам бу йўналишдаги ишларимизнинг марказида бўлди. 163 минг киши касб-ҳунарга ўқитилди. Бу бир қарашда рақам, лекин аслида юз минглаб тақдирлар учун янги имконият дегани.

Шунингдек, норасмий ишлаётганларнинг меҳнати расмийлаштирилди. Меҳнат инспекцияси 5,5 мингдан зиёд корхонани ўрганиб, қарийб 44 минг ишчи жойини расмий ҳолатга ўтказди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари айтганидек, “2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайитиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”. Чунки бу йил 5 миллион 200 минг аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиб, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш ҳисоб-китоб қилинган.

Камбағалликни қисқартириш йўналишида кейинги йилларда эришилган натижалар нафақат ўзимизда, балки кўшни давлатлар, халқаро ташкилотлар, дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётган. Аслида, камбағалликни қисқартириш борасида жуда қисқа фурсатда Ўзбекистон кўлга киритган самаралар том маънода эътирофга лойиқ. Хусусан, юртимизда камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга камайтилган бўлса, 2024 йил якуни билан 8,9 фоизга туширилди. Ваҳоланки, 2017 йилда бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди.

Бугунги кунда 625 мингдан зиёд оила “Камбағал оилалар реестри”га киритилган. Улар билан манзилли ишланди. Янги иш жойи, касб-ҳунара, кредит, ер майдони — ҳар бир оила учун индиивидуал ёндашув таъминланди.

Биринчи ярим йилликда уларга 543 мингта хизмат кўрсатилди. 295 минг киши ишга жойлаштирилди, 235 минг нафари бизнесга киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йилнинг биринчи ярмида қилинган ишлар, эришилган натижалар шунчаки рақамлар эмас, балки ҳар бири эътиборга, ёрдам ёки қўлловга муҳтож инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлардир. Аҳолини иш билан таъминлаш орқали фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий барқарорликка ҳам эришилишини ҳисобга олсак, биз юқорида келтириб ўтган айрим рақамларнинг аҳамияти нақадар катта ва муҳим эканини тушуниш қийин эмас. Энг муҳими, бу йўналишдаги ишлар изчил давом этади.

“ЕЧИМЛАР АТЛАСИ” – МЕГАПОЛИС ШАҲАРСОЗЛИГИДА ЯНГИ СТАНДАРТЛАР

ЭНДИ ЙЎЛЛАР ТАЪМИРИ БИНОДАН БИНОГАЧА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ



Ҳаётимиздаги ўзгаришлар, ён-атрофимизда кечаётган янгиланишлар аҳамиятини, уларнинг биз учун нечоғлиқ кадр-қимматли эканини одатда таққослар орқали баҳолаймиз. Масалан, бугунги ёш авлодга яратилган шароитлар билан ўзимизнинг болалик чоғларимиз, мактаб ва ундан кейинги катта ҳаёт йўлигача бўлган давримизни қиёслаймиз, уларга хавасланиб, имконияти бизникидан неча чандон яхши эканини чамалаймиз. Ёки ўзимиз туғилиб ўсган маҳалла, кўчамиздаги бунёдкорлик ишларига боқиб, аввалги ҳолатини хотирлаймиз. Ва таққосларимиз асосида маълум хулосаларга келиб, ўзгаришлар аҳамиятини баҳолаймиз.

Масалан, кейинги йилларда ҳам худудий жиҳатдан кенгайиб, ҳам осмонга қараб “Ўсаятган”, том маънода мегаполисга айланиб бораётган Тошкент шаҳрини олайлик. Саккиз йил аввал пойтахтимиз бошқа шаҳарлар қатори ривожланиш билан боғлиқ жиҳатларидан муаммолари кўпроқ эди. Ўн йиллаб ечимини топмаган муаммолар, ўз навбатида, аҳоли ҳаётида қулайликлар яратишга тўсқинлик қиларди.

2017 йилдан бошлаб Тошкентда улкан ўзгаришлар бошланди, бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёзди. Бу жараён тизимли асосда амалга оширилди. Барча лойиҳалар, дастур ва катта миқдордаги инвестициялар аҳоли учун максимал даражада қулай, соғлом ва фаровон муҳит яратишга қаратилди.

Пойтахтимиз ҳам қурилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш микёси, ҳам замонавийлик жиҳатидан янги даврга юз тулар экан, бунинг ўзига яраша талаблари бўлиши табиий, албатта. Жумладан, улкан мегаполисининг ўнгиш жараёни пухта ўйланган, ҳар бир қадам эҳтиёткорлик билан белгиланиши, замонавий тенденцияларга мос келиши керак эди.

Бу масаланинг бир томони, бошқа томондан эса мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосини “Инсон қадри учун” деган тамойил ташкил этмоқда.

Бунинг учун, аввало, аҳоли билан бевоқифа мулоқотни йўлга қўйиб, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, умуман олганда, аҳоли учун қулай шароит яратиш орқали бугунги яшаётган кунидан розилигига эришиш бош мақсадга айланди.

Айнан шу шаҳарсозлик талаби ва “Инсон қадри учун” тамойили асосида пойтахтимиз тубдан ўзгарди. Ҳар бир йўналиш, ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар аҳоли манфаатлари, орзу-умидлари ва эҳтиёжларига мувофиқ, турли ёшдаги ва касбдаги одамлар учун қулай инфратузилма яратишга қаратилди.

Бу борада охирги пайтларда лойиҳалар қамрови тобора кенгайиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, сўнгги йилларда пойтахтда янада улкан лойиҳалар амалга оширилди. Инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой, ижтимоий ва инфратузилма объектилари қурилиши катта микёсда олиб борилди.



“Айни пайтда Хитойнинг “China State Construction” компанияси томонидан пойтахтимиздаги Шота Руставели кўчасида таъмирлаш, реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Умуман, ушбу йўналишдаги ишлар кўлами анча кенг. Жумладан, Тошкент шаҳрида 200 километр йўл ва тўртта йўл ўтказгич барпо этилади.

Энг муҳими, кўплаб миллий-меъморий лойиҳалар янги Ўзбекистоннинг ёрқин рамзига айланди. Ҳар бир лойиҳа пухта ўйланган, Янги Тошкент қурилиши эса пойтахтимизнинг мегаполис мақоми-ни мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бироқ пойтахтимизнинг улкан салоҳиятидан келиб чиқиб, янада кўпроқ натижаларга эришиш мумкин. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожини Тошкент шаҳри қиёфасида яққол намоён бўлади. Бугун барча туманлар ва пойтахтимиз атрофида бунёдкорлик суръати жадаллашмоқда.



Давлатимиз раҳбари Тошкент ва Янги Тошкент шаҳри учун “Ечимлар атласи” тақдимоти билан танишар экан, аини жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, худудни мувозанатли ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси қабул қилинди. Унда шаҳарнинг қурилиш режалари, муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳофаза худудлари бўйича асосий кўрсаткичлар белгиланган. “Ечимлар атласи” ушбу бош режанинг мантқий давоми бўлиб, унда шаҳарнинг ташқи қиёфаси, кўчалар муҳити бўйича умумий талаблар қайд этилган.

Шу ўринда “Ечимлар атласи” тўғрисида маълумот бериб ўтиш зарур. Бу каталог-маълумотнома қурилмаларини лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қамраб олган бешта китобдан иборат. Ҳар бир қисмда жамоат жойларини ташкиллаштириш ва ободонлаштириш, биноларнинг ташқи қисминини ягона меъморий қиёфага келтириш бўйича тавсиялар берилган.

Атлас шаҳар муҳитини лойиҳалашда барқарор ривожланиш мақсадларини ҳамда миллий колоритини таъбиқ этишга хизмат қилади. Уйғун ва экологик тоза масканларни яратишга кўмаклашиб, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайдми. Очик жамоат жойларини ривожлантириш бўйича янги лойиҳаларда хатоларга йўл қўймаслик имконини беради.

“Ҳозирги стандарт бўйича йўللارни қуриш ва таъмирлаш ишлари қатнов қисмининг “қизил чизиги”гача бажарилаётган бўлса, эндиликда бу ривожланган шаҳарлар тажрибасига кўра, КЎЧАНИНГ ИККИ ТАРАФИДАГИ БИНОДАН БИНОГАЧА ТАМОЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.



турмуши янада фаровонлашиб, иқтисодий тараққиётни ривожланишга эришилади.

Сифатли йўл одамларнинг кайфияти ва иқтисодиёт ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, йўл қурилишига янгича ёнда-

шувларни жорий қилиб, сифатни ошириш, соҳани рақамлаштириш ва хусусий секторни кенг жалб қилиш бугуннинг долзарб вазифаларидан.

Бу борада сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл қуриш ва таъмирлашга ажратилаётган маблағ миқдори бир неча баробар ошгани диққатга сазовор. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналар зарур махсус техника билан таъминланмоқда.

Лекин аини йўналишдаги ишлар ҳам камчиликлардан холи эмаски, баъзан қурилаётган йўлларнинг сифатсизлиги ҳақли равишда эътирозларга сабаб бўлмоқда. Тўғри-да, ахир янги йўллар кўп ўтмай, яроқсиз аҳволга келаётгани учун яна таъмирланяпти.

Шу билан бирга, йўлларни лойиҳалаш меъёrlари эскирган. Уларнинг катта-кичиклиги ёки худудларнинг иқлим шароитига қарамай, бир хил андоза қўлланмоқда. Лойиҳаларда йўл бўйи инфратузилмаси назарда тутилмагани боис, аксарият савдо ва сервис шохобчалари тартибсиз жойлашган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, айнан йўл қурилиши бўйича аҳолидан қатор ҳақли эътирозлар бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби маълум стандартлар йўқлиги. Шу билан бирга, таъмирлаш ишларини ҳар хил қурилиш ташкилотлари амалга ошириб кетавергани учун мана шундай ҳолат юзага келди. Бундан кейин бу ишлар босқичма-босқич, камчиликларни бартараф этиш орқали тизимли амалга оширилади.

Тақдимотда, шунингдек, Тошкент ва Янги Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, йўл инфратузилмаси, пиедестал йўлакчалари, велосипедда ҳаракатланиш бўйича янги ишлаб чиқилган стандартлар ҳақида маълумот берилади.

Энг муҳими, шаҳарнинг ўзига хослигини сақлаган ҳолда қиёфасини янада яхшилаш, йўл бўйларини ободонлаштириш нафақат аҳоли турмуш маданиятини оширишга, шунингдек, мамлакатимизга ташриф буюраётган меҳмонлар ва сайёҳлар учун ҳам қатор енгилликлар яратиши билан катта аҳамият касб этади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

